



тарихий ва
қатдан диқ
қойлар билан
Димов
комбинати
иб ўтган кат
нгида Анди
нинг раҳба
а Совет дав
иксевар сиё
викдан кейин
а келган ва
апирди. «На

Сиясий бю-
ро, СССР Ми-
нининг раиси
Никарагуа

ПРОПАГАНДИСТ

РИНИНГ
ДУВИ

ШЕИРО. Бр-лар
лар министри
Содре мат-
ясида гапи-
Маркази
нглика адо-
брат-
нинг Ник-
га ҳарбий ва
и кўпайиб
чүкур таш-
деди. У
пасига аъзо
мда қўлаб-
руппа ташки
арининг бу
н икки кун-
қуқулаб, ке-
рининг фи-
диночиларга

ни қўлла-
арҳол тўхта-
қўллаб-қув-
ро ўсишига
ва Марказий
таҳкам тинч-
лигига халақит
Бразилия, Ве-
нсия, Мекси-
ка ва Уругвай
министрлари
бул қилган
мадан, Мар-
даги можаро
рикази қитъ-

ник ва хавф-
путур ет-
аъкидланади.
Америкада-
Никарагуа,
урас, Коста-
дорга Лотин
саккиз мам-
миссиясини
қилдилар.
латлар Таш-
да Америка

ркилотининг
и ҳам мис-
шга таклиф

рказий Аме-
га бевосита
аралашган
гларга муро-
ч ишлатиш-
иш ва реги-
ни ҳал этув-
йўл бўлмиш
арни дарҳол

КАТЛАРИ-
ЕМАЛАРИ
КАМЕРУН
НИНГ

НУРЛИ ТАҚДИР

қазир қитъа
ағ аҳво-
— ҳозирги
кризиси-
деди Ка-
ти Поль
мамлакатла-
аси ҳом аш

тий эмас
а бозорлари-
гидан, савдо
ийрбошлаш-
тигидан ва
ортиб бора-
самоқда, деб
у ерда Аф-
жолантириш
бағишлан-
ференцияда
хсон ёки са-
мас, балки
жолантириш
рдамга мух-
Бийя. Ри-


латларнинг
тисодий тар-
тисидаги
дар қачонги-
янграмоқда.
ий тартиб
нинг манфа-
инлаган бў-
инка, барқа-
и ва ҳар то-
вожланиши
Африка дав-
ифасидир, —
Президент.

ЖОНАЖОН БАТАН БҮЙЛАБ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

◆ **ЧЕБОКСАРИ.** Чувашия республика стоматология поликлиникасининг даволаш ва диагностика кабинетларида лазер, ультра-товуш ускуналари ва бошқа замонавий қурилмалар ўрнатилган. Қўнғига 600 беморни қабул қилишга мўлжалланган шифоконда тиш касалликларининг олдинчи олиш хизмати ҳам йўлга қўйилган. Беморлар дам олиш кунисиз икки сменада қабул қилинади. Олис кишлоқлардаги аҳоли учун кўча амбулатория жиҳозланган.

◆ **КОМСОМОЛЬСК-АМУР.** Халқ депутатлари бир неча кун давомида Комсомольск-Амур шаҳрининг одамлар гавжму бўладиган транспорт маршрутларида пассажирлар ва контролерлар сифатида қатнайдилар. Уларнинг арасида шаҳар транспорти ишини тартибга солиш имконини берди. Ваҳоланки, аҳоли шаҳар транспорти ишдан яқин вақтларгача ҳаққоний норозилик билдирарди. Автобус маршрутлари ўзгартирилди, линияга янада катта ҳажмли автобуслар чиқарилди, ҳаракат интервали эндиликда бир неча минутдан ошмади.



Белоруссия ССР. Борисов районидagi Неманица кишлоғида Михаил Ржеутскийнинг уйини қўшлар бозори дейиш мумкин. Уста хилма-хил қўшлар эсади. Унинг моҳир қўшларидан жуда кўплаб аниқий соғалар чиққан. У муттасил бошқа усталининг иномдини, халқ аъёнларини ўрганади, ўзига хос оригинал нарсалар ўйлаб топади.

СУРАТДА: М. Ржеутский ўз «қўшлари» билан. Е. Козюли фотоси. ТАСС фотохроникаси.

◆ **ДУШАНБЕ.** Темир-бетон конструкциялари ва қурилиш деталлари заводига ишлаб чиқариш корпуслари билан ёнма-ён йирик маъиш комплекс очилди. Уни бунёд этиш учун корхонанинг социал ривожланиш фондидан маблағ ажратилди. Коллектив заводи маъиш уйини барпо этишда тўрт марта яқинлаб кўни ишлаб берди. Корпусда дам олиш хоналари, сауна, иситилмаган сувиш бассейни жиҳозланган. Шаҳар маъиш хизмат уйи, кир ювиш хонаси, сараторхоналар очди.

◆ **ТУЛА.** Л. Н. Толстойнинг «Ясная Поляна» музей-қўлғонда адабий театр очилди. Театрни жамоатчилик асосида М. Горький номидаги Тула область драма театрининг актёрлари ташкил этилди. Артистлар театр программасига Лев Николаевичнинг пьесаларидан, шунингдек улус рус адабияти бағишланган асарлардан парчалар киритилган. Янги сахна коллективнинг премьераси Ясная Поляна немис-фашист боқинчилардан озод қилинган кўннинг 45 йиллигига бағишланди. Шунинг учун ҳам ёдкорлик жойларини дўшмадан озод қилган 50-армиянинг совиқ жангчилари театрининг биринчи томошабилари бўлганликларини беиз эмас.



Олти яшар Тая Ананова ҳали мактаб партасига ўтирмадан бемавлоп пианино чалади, музикани яхши фаришлайди. Пойтахтнинг Красногвардейск районидagi музика уйига кўплаб болалар келиб туришади, бу ердан илҳом олишади. Бу мактабнинг ёш москвалинларга ўз эшигини очганига яқинда ўн йил бўлади.

СУРАТДА: Тая. Р. Денисов фотоси. ТАСС фотохроникаси.

◆ **НОВГОРОД.** Старая Русса приборсозлик заводига ишлаб чиқарилаётган янги сигналатор аппаратлар қаттиқ жиш шарафига газ магистралларнинг тўхтовсиз ишлашини таъминлайди. Улар газ қувурлари трасаларида қаттиқ яхлаган жойларни аниқ ва тез белгилаб беради. Янгилик газчиларнинг юксак баҳосини олди. Бир қанча сигналаторлар Уренгой — Помари — Ужгород магистралига юборилди.

◆ **ВОРОНЕЖ.** Воронеж область Таловая райони меҳнатқиларни давлатга сўт сотиш юзасидан беш йилликнинг биринчи йилда зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажардилар. Уларнинг эришган муваффақиятлари тасодифий эмас. Ём-хашак етиштиришда сўғирлаган деҳқончиликка асосий эътибор берилмоқда. Районда сўғирлаган участкалар барча давраларнинг 6 процентга яқинини эгаллаб, пшанининг 70 процентини, ҳамма илва меваларни, маккайхўри, сийосининг бешдан бир қисmini бермоқда. Фермалар коллектив пудратта мувофиқ ишламоқда.

САЛОМАТ БУЛИНГ

Буни билиб қўйиш керак

Ичкиликнинг хунук оқибати

Шарқ донишмандлари айтганларидек, тўрт нарсга одамларга бахтсизлик келтиради: ишбасарлик, жоҳилик, билмасизлик (хурофот) ва ичкилик. Зотан, ичкиликка ружу қўйган киши ҳам соғлиғидан, ҳам обрў-хурматидан, бахт-саодатидан ажралиб, эл-юрт назаридан қолади.

Ичкилик одамларга жуда кўп зарар келтиради: оилани бузади, соғ одамларни касал қилади. Аниқ ҳисобларга қараганда 50 процентдан ортиқ бахтсиз ҳодисалар, 70—80 процентдан кўпроқ турли жинсий касалликлар мастликда юз беради. Кўпгина руҳий, асаб, таносил касалликлари, қон босими, юрак, буйрак, жигар ва бошқа органларнинг хасталиклари спиртли ичимликларни кўп истеъмол қилувчиларда қузатилади. Уларнинг болалари ҳам жисмоний ва руҳий хаста бўлиб тутилишлари аниқланган.

Сир эмаски, кўпгина ноз-неъматлар тула дастурхонга албатта ичкилик қўйишади. Янги уйга кўчиб бориш, машина олиш, отпус-кага кетиш ёки қайтиш, тўй, туғилган кун, диссертация ҳимоя қилиш каби ҳар бир йиғинда ичкилик бўлади. Баъзи тушунмаган кишилар бола иштаҳасини «очиш» учун вино, пиво ҳам ичиришади.

Очиқ гап, телевизор ва кино экранларида сабий ёни яқиниш роляда кичуқлар албатта олдидан «ярим-таъин» қўйиб гаплашадилар. Булар ҳаммаси болалар ва ўсмирларга, ёш йигит-қизларимизга ёмон таъсир этади, натижада улар ичкилик иччи, бегона одамлар билан яқинлашиб, бирга бўлишга ўрганиладилар, оқибатда турли таносил касалликларни келиб чиқиши мумкин.

Афсуски, бирорта ҳам тасодифий учрашув ичкиликсиз бўлмайди, айниқса аёл-лар билан эркаклар яқинроқ танишиши учун дастурхонга ичкилик қўядилар. Мастлик эса, турли қўнғилсиз воқеаларга олиб келади.

Таносил касалликлари бутун организмни захарловчи юқумли хасталиқдир. Бу касалликларни кўзга кўринмайдиган ўзига хос рангсиз трепонема ёки спирохеталар қўзғатади. Рангсиз трепонемалар микроскоп остида тирин, ҳаракатчан, парматсион бўлиб кўринади. Шу трепонемалар бемордан соғлом одамга юқадди ва маълум вақтдан сўнг касаллик белгилари пайдо бўлади.

Касаллик юққандан уч-тўрт ҳафтадан кейин думалоқ, ўн-ўн беш тийинлик тангадек яра пайдо бўлади. Яра оғримайди, таги қаттиқ бўлади. Шунинг учун буни

У. МИРАХМЕДОВ, медицина фанлари доктори, профессор.

Шифобахш таомлар

ДИМЛАМА БЕҲИ

Бир хил катталиқдаги заҳа бўлмаган беҳларни пичоқ билан қавлаб уруғини олиб ташланг-да, «кочасча» тайёрланг. Уни сарибга тўлдирасиз ва ёлганган товага териб дуҳовкада ёки қасқонда пиширасиз. [Сарибг ўрнига асал солсангиз ҳам бўлади].

Димлама беҳи тайёрлаш учун олти дона беҳи, ўн чой қошиғига сарибг ёки асал етади.

Бу таом томоқ хирллаб, йўтал тутғанда ёйиса даво бўлади ва қувват бағишлайди.

ТУРП ДИМЛАМА

Турпин арчиб, жимжиқоқ катталиқда, яъни «қайроқча» усулида, гўштин эса лўнда-лўнда ёки «сабзи» усулида, пёвизин халқа-халқа қилиб тўғрайсиз. Ҳар уччалисини аралаштириб, керагича туз, мурч ва зира сепасиз-да, қозонга солиб, юзи билан барабар сув қуйиб, қопқоғи жипс ёпилган ҳолда бир соат мил-диратиб пиширасиз.

Бу таом шамоллаганда, тумов бўлганда яхши даво бўлиб, қувват ва хуш кайфият бағишлайди.

«ТИББИЕТДАГИ АЖОИБ ҲОДИСАЛАР»

Э. Эгамбердиев ва З. Эгамбердиевнинг бу китобида соғлиқни, иш қобилиятини сақлаш ва узоқ умр кўриш, шахсий гигиена, рационал овқатланиш масалалари, фан-техника тараққи қилган ҳозирги даврда одам ҳаёти ва фаолиятидаги физкультура ва спортнинг роли оммабоп тарзда ёритилди. Айрим ҳаётий муҳим органларнинг тузилиши ва функцияси тасвирланди.

Рисола кенг китобхоналар оммабоясига мўлжалланган.

«АСАБ НЕГА БУЗИЛАДИ?»

Э. А. Алимованинг бу рисолада неврозларнинг турлари, асаб бузилишига олиб келадиган сабаблар, асабни ҳаётдаги турли шарт-роҳларда қандай асраш учун нималар қилиш кераклиги ҳақида сўз юритилган.

«ҚИЗЛАРНИНГ ЖИНСИЙ ТАРБИЯСИ»

Сўнгги йилларда болалар ва ёшларнинг жинсий тарбияси масалаларига қизи-

қиш тобора ортиб бормоқда. Жинсий тарбия қийин ва мураккаб вазифа ҳисобланади, зеро у ахлоқий, этик ва гигиеник тарбия элементларини ўз ичига олади. Медицина фанлари доктори, профессор О. Г. Фролова-нинг ўзбекчага таржима қилинган ушбу китобида қизларнинг жинсий тарбияси масалалари, гигиеник ва ахлоқий тарбияси билан увий боғланган ҳолда, ёшга соғинаш баён этилган. Тасвир этилган тавсияларнинг асосий мақсади — қизлар соғлигини мустаҳкамлашга ёрдам бериш, уларни келажакда она бўлишга тайёрлашдан иборат.

«СЕМИЗЛИК — ЖОН АЗОБИ»

Ҳозирги даврда семирб кетиш энг кўп тарқалган касалликлардан бири ҳисобланади. Турли статистик маълумотларга кўра, жаҳондаги иқтисодий жиҳатдан ривожланган ҳар қандай мамлакат аҳолисининг 20—30 проценти семирб кетишдан азоб чекади. Ю. А. Князов, А. В. Картелин, Н. С.

Салоҳованинг ўзбек тилига таржима қилинган ушбу китобида ортиқча семирб кетиш, (айниқса, болаларнинг семирб кетиши), унинг аломатлари, турлари, келиб чиқиш сабаблари, семирб кетишнинг бошқа касалликларга, хусусан юрак-қон-томир касалликларига ҳамда диабетга алоқадорлиги ҳақида ҳисоб қилинади. Семирб кетмаслик учун нима қилиш кераклиги, бу касалликни даволаш масалалари ва шарҳез туттиш хусусида маслаҳатлар берилади.

«КАПИТАЛИЗМ — МЕХНАТҚИЛЛАР СОҒЛИГИ ЗАВОЛИ»

Китоб капиталистик жамиятнинг маълум синф соғлиғига муносабати нўтдан назардан таҳлил этишга бағишланган. Унда капиталистик жамиятнинг меҳнатқиллар саломатлигига нўтур етказишга олиб борадиган умумий қонуниятлари батафсил тасвирланган. Меҳнатқилларнинг шифокорларча эксплуатация қилинаётганлиги, травматизм-

нинг анча юқори эканлиги, шунингдек, уй-жой шароитларининг нўхотда ёмонлиги, ёлчи овқатланмаслиги ва очлик, атроф-муҳитнинг ҳаддан ташқари ифлосланиб кетганлиги одамлар соғлиғига ёмон таъсир қилаётганини кўрсатувчи қўнғина фактлар келтирилган.

Капиталистик дунё врачларининг қамбағалларга қарий-инсоний муносабати алоҳида таъкидланади. Улар халқнинг соғлиғи ҳақида тузулган таъхир қилиш бир ёқда турсин, ўз қабул-ларига келган беморларни тобора кўпроқ гонорар талаб қилмоқдадир. Доридармонлар сотиш йўли билан катта фойда олиб, меҳнатқилларни хонавайрон қилаётган фармацевтика фирмаларининг вақтинча фаолияти ҳам очиб берилган.

Китоб муаллифи медицина фанлари доктори, социал проблемалар соҳасидagi таъкид мухассаси С. Я. Чинкин. Уни моҳир таржимон С. Тонров ўзбекчага таржима қилган.

Оғу фожиаси

Француз врач Деммэ 28 йил давомида ўнла оилани қўзғатган. Бу оилаларда эр ҳам, хотин ҳам ичкиликка берилган. Бу оилаларда 57 та бола туғилган, улардан 25 таси ёшга етмай ўлган, 5 тасида туғилган, 5 тасининг бош миёнада сув, 12 таси жинин бўлган. Фақат 10 тагина бола нормал туғилган.

Спиртли ичимлик истеъмол қилганларнинг 16—17 процентида иш умумдорлиги пасаяди, 20 проценти оилавий қўнғил-чинкига сабаб бўлади. Жинийликнинг 35 проценти, безориликнинг 95 проценти, қотилишнинг 70 проценти, кўча фожиаларининг 47 проценти, ўдаги фалокатларнинг 20 проценти, қорхонадаги бахтсиз ҳодисаларнинг 45 проценти мастликда содир бўлади.

Америкада 1920 йилда (ичкилик иччи ман қилинган йил) мингта аҳолидан 13 киши алкоғолдан ҳалок бўлса, 1925 йилда ичкилик тарқалиши биланог мингта одамдан 86 таси мастликдан ўлган.

Спиртли ичимликка муккасидан кетганлар соғ одамларга нисбатан ўртача икки марта тез ва тўрт марта узоқ вақт бего бўлади. Арақхўрларнинг 70 проценти сурункали ошқон-шиллик пардаларининг яллиғланиши (гастрит) касалига дучор бўлишади.

Сурункали спиртли ичимликлар иччи тўғайли эр-кавларга қараганда аёлларда 3—5 марта тезроқ психик никирор бўй беради. Маст бўлганда аёллар ўзини эркин тўғайли, қаттиқ ҳаяжонланишади, даргазаб бўлиб йиғлашади.

70 проценти яқин қотилиш, 80—90 процент безорилик асосан мастлик оқибатига бўй беради. Агар спиртли ичимликлар истеъмол қилиш 35 процентга камайтирилса, қотилиш 40 проценти, безорилик эса 25 процентига камайган бўларди.

Алиқ маълумотларга қараганда, Францияда жангар касаллини Габрий Европанинг бошқа мамлакатлариданга қараганда беш марта кўп тарқалган. Француз врачларининг фикрича, бу хасталикка винони ҳаддан ташқари сунистеъмол қилиш сабаб бўлган.

Т. РАСУЛЕВ тўплаган.



«Шифокорнинг ўткир нигоҳи»

А. Недавний фототюди.

ТУМОВ БҮЛГАНДА

Тумов сурункали турга ўтиб кетмаслиги учун нима қилиш керак?

М. АБДУҚОДИРОВА, чиний заводи ишчиси.

Тумов ёки ринит бурун шиллиқ пардасининг яллиғланиши билан кечадиган касаллик. Одам соватганда ёки бошқа нуқулга омилар таъсир қилганда шиллиқ парда (айниқса, нимжон, чиниймаган одамларда) бурун бўшлиғидagi турли микроблар ва вирусларга жуда сезгир бўлиб қолади. Натижада бу ерда яллиғланиш жараёни бошланади.

Ўткир тумов тўсатдан бошланади. Бурун қурийд, зўриқиб ачишади, бурундан нафас олиш қийинлашади. Шундан кейин беморнинг боши, оғрийд, лоҳас бўлади, бурундан кўплаб ажралма келади. Агар зарур даво чоралари қўрилмаса, ўткир тумов сурункали кечадиган бўлиб қолади, вақти-вақти билан бурундан нафас олиш қийинлашади, бемор ҳидни яхши сезмайди.

Бирок, сурункали тумовга доим инфекция сабаб бўлмайди. Масалан, вазомотор ринитга бурун ту-сининг қийинчилиги, организмга совуқ ҳаво таъсир қилиш, бурундан нафас олиш қийинлашади, бемор бурундан нафас олишга жуда қийналади қолади. Ана шундай ҳолларда баъ-

зи беморлар ўзларига бурун-га томирларни тарайи-радиган дори томиза бошлайдилар. Бундай ўзбидармонлик қилиш яраммайди, бунинг ўрнига врачга мурожаат қилиш лозим.

Агар монеликлар бўлмаса, кеңдурун ухлаш олдидан оёқда гориччиндан ванна қилиш (5—8 литр сувга 1 ош қошиқ халта — горичча солинад), шунингдек оёқ тагига, болдирга гориччиник қўйиш мумкин.

Аллергик тумовда врач организм реактивлигини су-сайтирадиган дорилар буюрилади. Дорилар ҳар бир беморга алоҳида буюрилади. Агар бемор врачга вақтида мурожаат қилмаса ёки унинг буюрганларини бажармаса, касаллик асорат бериб, ларингит, трахит, бронхит, ўрта қўлоқ ёки эшитув нийи шиллиқ пардаси яллиғланиши мумкин. Ўзингизча билар-билмас турли дориларни томизаверманг, бу бурундан нафас олишни бузиши мумкин.

Тумовнинг олдини олиш учун болаликданог организмни чиққитириш керак. Чинийиш учун соқини со-вуқ сувга ҳўллаб, баданини артиш, дўшда чўмилиш, ёзда эса очик сув ҳавзаларида чўмилиш, очик ҳавода кўпроқ сайр қилиш, жисмоний тарбия билан шуғулланиш лозим.

М. ОРИФЖОНОВА тайёрлаган.

Фан оламида нима гап?

ГЕОЛОГИЯДАГИ НОЁБ ҲОДИСАЛАР

Ушбу мақоламизнинг мақсади азия оқшомхонларини геологияга оид ноёб ҳодисалар билан, жумладан «ҳалокатлар назарияси» билан қисман таништиришдир. Бу масала ердаги ҳаёт ривожининг асосига бориб тақалади, яъни Ер ва ундаги ҳаёт ривожини тасодифий ҳалокатлар асосида ўтадими ёки уни муттасил давом этадиган жараёнлар белгилайдими, ё бўлмаса иккала ҳодиса биргаликда асослайдими?

Ҳалокатлар гоёсини энг ёркин ва батафсил равишда француз муаллифи Ж. Кюве асослаб берди. Гоё негизда эса тасодифий ҳодисалар ётади. Бу гоё ердаги ўзгаришларни, айниқса органик дунё ўзгаришларини жуда «енгил» ҳал қилиб беради. Бу борада, албатта, қандайдир таъси, «хилоф куч» таъсир бўлгани учун у геологияда ҳал қилувчи ўрнини эгаллаб олмади. Унга қарши, тадрижий тараққиёт гоёси ҳам кўп вақтдан бундан маълум бўлиб, у ўтган замонни ҳазирки оқшомхонлар билан келажакни баъорат қилиш-

ни, уларнинг ўзаро боғлиқлигида деб билди.

Охириг жайлардаги ҳалокатлар гоёсини қизиқтир эса, унинг фазовий тақдиротлар ривожини билан ўзвий боғлиқлигини, Космохимия тўғайли думли юлдузлар, Ой жинслари ва бошқа фазовий жинсларнинг таркиби батафсил ўрганила бошланди. Бу борада ишлаш учун янги ймкониятлар яратилди. Бундан ташқари, космик изланишлар — Ерда, Ойда ва бошқа сайёраларда мавжуд бўлган урилиш изларини бизга очиб берди. Ерни бошқа бир қоиот жисми билан тўқнашувчанлик оқи-батларини ўрганиш мумкин бўлиб қолди. Шу муносабат билан ҳалокатлар гоёсини қайта эса олинди.

Мезозой даврининг «Улуғ қирғини» сабаблари билан шуғулланган жаҳоннинг кўпгина олимлари қизиқ бир нарсасга эътибор бердилар, яъни бўр даври билан палеоген даври чегараларида бундан 67 миллион йил муқаддам ҳосил бўлган чўкин-

диларнинг бунёда келиш тасилини белгилашда ири-дий химик элементларини ўзига соқ белги қилиб олдилар. Шу модда, чўқинда ҳосил бўлиш мароми бузилмаганда бир микродо бўлиб, шу жараёни бузилганда кўпайиб ўзгарар экан. Қўпайиб жа-раёни эса, ерга қоиотдан келган бирор жисми урилган-да содир бўлар экан. Худди шундай ҳодиса мезозой даврининг охирида бўлиб, умум-барин характерига эга экан. Демак, ерга қоиот жисми урилишининг ўзи ҳалокат бўлиб, у ердаги қўпгина тас-бир жонот вакиллари халокат бўлишига қўнғил қилиб қолди. Ўша, ҳаммага маълум даҳшатли ҳалокатсаклар (динозаврлар) қалтакоти ўзининг янги сабабини тоиди.

Бундан ташқари, «Чақмоқтош ўзгариши» деган гоё ҳам Ерни йирик қоиот жисми билан тўқнашганлигини тасдиқловчи қучли далил бўлиб ҳисобланади. Яъни бундан 67 миллион йил му-

қаддам ҳосил бўлган чўқин-дий тоғ жинслари таркибида (тоғ жинслари уч хил бўлади: магматик (отқинди), чўқинди ва ўзгарган — «урилган»-ўзгаришдан ҳосил бўлган) чақмоқтошлар кўплаб учраши қатор илмий ишлар билан тасдиқланди. Бундай ҳосиятли чақмоқтошлар ер юзиди фақат урилиш кра-терларида учиб, бошқа ҳеч қандай ер усти ётқизилари-да учрамайди.

Шундай қилиб, ҳозирги қуварлардаги геохимик ва бошқа далиллар йиғиндиси асосида, мезозойнинг охири-да, умумбарин қўпгина бўлиб ўтган ҳалокат ҳо-диси қўнғил қилиб қолди. Ўша, ҳаммага маълум даҳшатли ҳалокатсаклар (динозаврлар) қалтакоти ўзининг янги сабабини тоиди.

Худди шу ҳодиса, мезозой жонотларининг қирилиб кетиши ва кайнозой турла-рининг бунёда келиши да-врига тўғри келади. Қоиот жонотлариди, бўр ва палеоген давлари чегарасида, ёки тасодифан пайдо бўлган, ёки шу моддалар юқоридagi (оралиқ) даврда, умумба-шар қўламида тирин жон-

зотнинг ҳалокатига сабаб бўлган ҳодисадан дарак бе-ради.

Келинг, Ерни фазовий жисм билан тўқнашувчи қан-дай оқибатларга олиб кели-шим бир тасаввур қилайлик. Масалан, комета қуруқлик-ка тушди. Ундан қўтарилган чанг-модда узоқ вақт да-вомида атмосферада тургун ҳолда қолиб, қуёш нури-ни тўсди, натижада Ерда фо-тосинтез етарли даражада амалга ошмайди, океан су-ви ҳарорати тушди. Қуруқ-ликда совуқ бошланиши мумкин. Космик жисм ат-мосфера орқали Ер томон ўтганда азот экрани бузи-лади. Бу азот оқидини кел-тириб чиқаради, натижада нордон ёғири қўнғинишади космик нурулар ерга келиб етади. Агар қоиот жисми океанга тушса — океан-дан лаҳзада кўп сув буғла-нади. Натижада иссиқ вақ-ли — океан ва атмосфера ҳарорати кўтариллиши юз беради. Юқоридagi (икки ҳолат) ҳодисалар амалга ошган пайтда ипаш муҳити тез ўзгарилади, айниқса кам ҳаракатчан жониворлар тез

ҳалокатга учрайди. Бир хил ҳайвон ва ўсимликлар ҳа-лати қолганларини ҳам шу гирдобга тортади.

Ерининг ривожланиш тари-ҳидида 67 миллион йил му-қаддам бўлиб ўтган, бутун дунё олимларининг кўп вақтлардан бундан диқ-қат-эътиборини ўзига тор-тиб келадиган ҳало-катлар ҳодисаси юқоридagi-дек амалга ошган бўлиши ахтирмоқдан ҳоли эмас.

Ер қоиот тадрижий та-раққиётдаги тоқембрий ва палеозой (570—600 миллион йил муқаддам), палеозой ва мезозой (230 миллион йил бундан илгари) давлари чегараларида тирин жон-от дунёсининг сои ва сифат ўзгаришларини ҳам, балки кос-мик ҳодисалар билан, яъни ноёб ҳодиса ҳисобланган Ерининг қоиот қисми билан тўқнашувчанлиги. Ҳақиқий ҳолатини тиклаш эса, ҳали яна текширишни эса, ҳали етди. Бу соҳадagi ишлар энди бошланмоқда.

Н. ЭШНАЗАРОВ, геология ва минералогия фанлари кандидати, доцент.

«ЗАНГОРИ ЭКРАН» ЧОРЛАЙДИ



Ўзбекистон телевидениеси анъанавий Янги йил «Байрам базми» программасини суратта олишни низога етказмоқда.

Томошабинларга қизиқарли ва ранг-баранг программа тақдим этилади. Кўп сонли томошабинлар театр, кино, эстрадаларнинг севимли артистлари, республика сав-

новати ва қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришининг илғорлари ва бошқа машҳур кишилар, шунингдек Ўзбекистон пойтахтининг меҳмонлари билан учрашадилар.

СУРАТЛАРДА: аскиячи Зайнобиддин Юсупов ва Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Феруза Солихова; иккинчи суратда



Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг артисти, СССР халқ артисти, СССР ва Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотларининг лауреати Зикир Мухаммаджонов.

А. Рихснев фотоси. ЎзТАГ фотохроникаси.

Келинг, бир қулишайлик

ХАНДАЛАР

— Сен кечкурунлари Гитта билан учрагани борасан. Бу нарса кўп вақтдан бери давом этиб келади. Неге унга уйланиб қўяқолмайсан?

— Мен ҳам бу тўғрида жуда кўп бош қотирдим. Лекин, сен бир нарсани тушуни, бордию мен унга уйлансам, унда кечкурунлар қандай қилиб уйдан чиқиб кетаман?

Тоғ йўлларида бирида машина ҳайдаб кетаётган бир киши йўлдан адашиб қолди. Шу пайт у машинага яқинлашиб келаётган бир қарияни кўриб хурсанд бўлиб кетди. Машинасини тўхтатиб, ундан сўради:

— Сиз Бхавани қишлоғига олиб борадингиз йўлни биласизми?

Қария бир неча минут уйлаб туриб жавоб қайтарди:

— Йўқ, мен билмайман.

— Йўловчи машинасини ҳайдаб илгарилар кетди. Бирдан у орқадан кимнингдир қақирғини эшитиб, тўхтади.

Ойижон, нега ҳамма эртақлар «бор эканда йўқ экан...» деб бошладилар?

— Йўқ ўғлим, сени даданг тўқийдиган эртақлар «бутун ишхонада иш қўлайиб кетди»... деб бошладилар экан бўлди.

Театрда:

— Нима бўлди? Бугун актриса биров...

— Бугун атиги тўқизта гулдаста тақдим этилди.

— Таваба, нима бу етмайди?

— Ахир у 12 та гулдаста учун пул берган эди-да.

Хинд тилидан

В. ОБИДОВ таржимаси.

ДЗЮДО СЕКЦИЯСИДА ҚИЗЛАР

Қорасув массивида жойлашган Тошкент область педагогика билим юртининг тўққиз қаватли янги биноси ишга тушди. Дикқатга сазовори шундаки, ўқувчилар пухта билим олиш билан бирга спортнинг турли секцияларида қатнашиб, маҳоратларини ошириш имкониятига эга бўлдилар. Янги бинода шинамгина спорт зали бор.

Маълумки, билим юртининг ўқувчилари асосан қизлардан иборат. Улар билан суҳбат қилинганида кўплари дзюдо билан шуғулланиш иштиёқида эканликларини айтишди. Шу боисдан ҳам физкультура ўқитувчиси Юрий Зверев ва дзюдо бўйича Тошкент облатининг бош тренери Юрий Ким ташаббуси билан ана шундай секция ташкил этилди.

Ҳозир секция машғулотларида 20 дан зиёд қиз мунтазам иштирок этипти. Машғулотлар ҳафтада тўрт марта белгиланган график асосида ўтказилмоқда. Қизлар дастлабки кўникмаларни ҳосил қилишяпти. Тренерларнинг кўрсатмаларини аниқ ва пухта бажаришда Венера Мажиждова, Наргиза Холматова, Света Ким каби қизлар ўзларини кўрсатишяпти. Ҳа, улар ҳозирча машқ қилишяпти. Аммо улар беллашуларда иштирок этиб, билим юрти шарафини ҳимоя қиладиган қўн узоқ эмас.

Ж. НАРЗИҚУЛОВ.

Редактор
Т. М. ҚОЗОҚБОВ.

реклама эълонлар реклама

Сервитамин неъматлар

Қиш фаслида витаминларга бой бўлган ноз-неъматлар Тошкентда муаммо эмас. «Ташплодоовоштор» магазинларида сервитамин маҳсулотлар билан йўл-қўл савдо қилинмоқда.

Магазинларда пивз, сабзи, олма, лавлаг, шолғом, турп, лимон, анор, картошка, ош-қўқ исталганча бор.

Бу неъматлар пазанда уй бекаснинг қўлида хушхўр, лаззатли, энг муҳими тўйимли ва фойдали таомга айланади.

КАРАМ ШУРВА

Пивз майда тўғралани ва доғ бўлган ёгда қовурилади, сув қуйилади ва нордон ёки янги майда тўғралган карам, сабзи, чучук гармидори, лавр барги солинади. Маромига етказиб қайнатилади. Таом устига қовурилган ун сепадилади, ош-қўқ қуйилади.

МАСАЛЛИҚ: бир бош карам, 1 литр сув, 1 бош пивз, 100 грамм эритилган ёғ, 1 дона сабзи, 3 дона лавр барги, 1 ош қошигида бутдой уни, 1 дона лимон, гармидори ва туз таъбга яраша ишлатилади.

САБЗИ ВА ОЛМА САЛАТИ

Сабзи қирғичдан ўткази-

лади, олма кокил қилиб тўғралани, унга юмшатирилган майиз қуйилади, салат қаймоқ билан тановул этилади.

МАСАЛЛИҚ: 4 дона сабзи, 3 дона олма, ярим стақан майиз, 4 ош қошигида қаймоқ. Таъбга кўра шакар ҳам ишлатилиши мумкин.

ЛАВЛАГИ ИКРАСИ

Тозалаб қайнатилган лавлаг гўшт қиймалагичдан ўтказилади, унга майда тўғраб эзилган пивз, чучитилган ўсимлик мойи солинади, шакар, туз сеип, ўткирлиги пасаитирилган лимон кислотаси солинади ва кастриюлда алангага қў-

йиб 10—15 минут давомиди димланади.

МАСАЛЛИҚ: 150 грамм лавлаг, 3 ош қошиқ ўсимлик мойи, 1 чой қошигида шакар, 3 бош пивз, ош-қўқ, укроп, петрушка, таъбга кўра туз, лимон кислотаси ишлатилади.

КАРАМЛИ ШНИЦЕЛЬ

Ўртача катталикдаги бир бош карам ювилади, устки барги олиб ташланади. 4 бўлакка қирғилади. Ўртасидаги қаттиқ ўзати ўйиб олинади. Карам бўлаклари қайноқ намочили сувга солинади ва қайнатилади. Шундан кейин човлида сузиб олинади. Охиста совутилатган карам донага ўралади, суви сиқилади, ҳар бир бўлакдан 1—1,5 см. қалинликда қўлча ясалади.

Қўпчилган туҳум қўлчага суртилади ва нон уюига булғаланади. Ёғ суртиб қиздирилган товада икки томони қизартириб пишрилади. Шницель 10 минут духовка шнафига қўйилади. Таом қаймоқ билан тановул этилади.

МАСАЛЛИҚ: 300 грамм карам, 3 чой қошигида қотган нон уюғи, 1,5 чой қошигида сариёғ, шунча қаймоқ, 1—2 дона туҳум, таъбга кўра туз ишлатилади.

ХУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

1987 йил 1 дан 10 январгача «ЁРЛИК» СПОРТ АРЕНАСИ

Янги йил арча томошаларига ТАКЛИФ ЭТАДИ

Сиз бу ерда адабий асарлар, эртақлар, мултифильмлардаги севимли қаҳрамонлар билан учрашасиз. М. Горький номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли рус академик драма театрининг артистлари бу театрлашган томошаларда банд бўладилар.

Томошалар соат 12 ва 14.00 да бошланади.

ХУШ КЕЛИСИЗ!

Коллектив бўлиб келиш учун «Пахтакор» Марказий стадиони кассаларида соат 10 дан 19.00 гача заявқалар қабул қилинмоқда.

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА

29 ДЕКАБРДАН 10 ЯНВАРГАЧА МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ҚИШКИ КАНИКУЛ КУНЛАРИДА ҚОРВОБО, ҚОҶИЗ ВА ЎРГАТИЛГАН ҲАЙВОНЛАР ИШТИРОКИДА

«Сехрли орол сирлари» АФСОНАВИЙ ЭРТАК ТОМОШАЛАРИ

САҲНАЛАШТИРУВЧИЛАР — УКРАИНА ЦИРКИ АРТИСТЛАРИ.

Томошалар: 29, 31 декабрда 13.00 да; 30 декабрда 11, 13, 15.00 да; 1 январда 15.00 да; 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9 январда 11, 13, 15.00 да бошланади.

Билетлар Марказий «Юбилей» спорт саройи кассаларида сотилади.

Кассалар ҳар кун соат 14 дан 20.00 гача ишлайди. Коллектив бўлиб кўриш учун заявқалар қабул қилинмоқда.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 46-03-12, 46-70-31 — касса; 46-68-77, 46-07-53 — администратор.

Главташкентстрой
Транспорт ишлаб чиқариш бошқармасининг
10-АВТОТРАНСПОРТ КОРХОНАСИ

«С» категориясидаги 3 класс автомобиль ҳайдовчиларини тайёрлайдиган КУРСЛАРГА
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар қабул қилинади. Қўрларда ўқиш даврида 45 сўм миқдорда стипендия тўланади.

Адрес: Тошкент шаҳри, 146-алоқа бўлими, Строительная кўчаси, 22-уй (12, 68 «э» автобусларнинг «Панель заводи» бекати).

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ОЛИЙ УМУМҚУШНИ ҚЎМОНДЛИК БИЛИМ ЮРТИ

Вакант вазифаларга
КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

катта ўқитувчилар: электротехника, инглиз ва француз тиллари.

Конкурс муддати — 1987 йил 10 январгача.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Генерал Петров кўчаси, 2-уй.

ЯНГИ ЙИЛ ОҚШОМИГА

Янги йил оқшомида кийин учун қумушсимон, оқ туяли ёки чиройли гулди газламалардан гоёта хушбўйим қўйлақлар тиктириш мумкин.

Қизларга эркин бичиқли қўйлақ-комбинезонлар ярашиб туради. Устки киёми романтик услубдаги қўйлақ кўринишида, пастки қисми шим, шаровар тарзида бўлади.

«ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ» магазинларида Янги йил либосларига мўлжалланган газламалар сотиб олиш мумкин.

МАГАЗИНЛАР АДРЕСИНИ ЭЪЛАТАМИЗ:

3-Чехов кўчаси, 4«а»-уй;
8-Муқимий кўчаси, 23-уй;
10-Олой бозори;
11-Оҳангарон шоссеси, 2-уй;
15-2/4-Қорақамий массиви, 45«а»-уй;
5-Фарҳод ярмаркаси;
47-Ш. Руставели кўчаси, 57-уй.

«Таштекстильшвейторг» (телефон 78-72-42).
«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-27).

«Ташгоровуьрембит» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Ўзбекистон ССР маъиш хизмат министрлигига қарашли

ТОШКЕНТ ШАҲАР ЭҚУВ-КУРС КОМБИНАТИ
пойфазал ремонтни ва яқна тикув усталари тайёрлаш
учун ҚЎШИМЧА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 12 ой.

Машғулотлар 1987 йилнинг 4 январидан бошланади. Тошкент шаҳрида пропискада бўлган, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотини сафарида хизматни ўтаб қайтган йигитлар қабул қилинади.

Қабул суҳбат йўли билан ўтказилади.
Ўқувчиларга 60 сўм стипендия тўланади.
Ўқиш даври узлуқсиз меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Амалий машғулотлар тажрибали усталар томонидан пойфазал уйда ўтказилади.

Кириш учун қўйиладиган ҳужжатларини топириш зарур: ариза, паспорт, ҳарбий билет, маълумоти тўғрисида гувоҳнома, яшаш жойидан ва медицина справкиси (086/У форма), меҳнат дафтарчасидан кўчирма, 3х4 см. ҳажмдаги 5 дона фотосурат.

МУРОЖААТ УЧУН АДРЕСЛАР: Фрунзе райони, Г. Лопатин кўчаси, 14-уй, «Ташгоровуьрембит» ишлаб чиқариш бирлашмаси, кадрлар бўлими. («Космонавтлар проспекти» метро станцияси).

Киров райони, 1-Мингўрқ кўчаси, 9-уй, Тошкент шаҳар ўқув-курс комбинати (2, 16-трамвайлар, 19, 156, 115-автобусларнинг «Ўзбексельмаш» заводи» бекати). Телефонлар: 56-64-79, 35-25-64.



ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 24/ХII да Қуёшга таъзим қил, 25/ХII да Фауст.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 24/ХII да Келинлар кўзголини, 25/ХII да Сўнгги қабул.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 24/ХII да Паранжир сирлари, 25/ХII да Шайтон ва мурдилар.

КИНО

24 ДЕКАБРДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«МАЙЕРЛИНГ» — Санъат саройи (17, 20.00; телефон 44-21-44, 44-21-54).

«УЧ МУШКЕТЕР» — Чайка (17.30, 20.45; телефон 76-06-20).

«КАТТА АЙИҚ ФАРЗАНДЛАРИ», «ОЛТИН УҚ» — Тошкент Советининг 30 йиллиги (19, 22.00; телефон 78-47-25).

«СЕВИГ» «АНАТОМИЯСИ», «ҚУМ ҚАРЬЕРИ ГЕНЕРАЛЛАРИ» — Москва (17, 20.00; телефон 33-05-01).

«МАХФИЙ ТАЖРИБА» — Восток (жуфт соатларда, сўнгги сеанс 21.30 да, телефон 91-14-61).

«УДДАБУРОН» — Дружба (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 67-86-87).

25 ДЕКАБРДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«МАЙЕРЛИНГ» — Санъат саройи (11, 14, 17, 20.00; телефонлар: 44-21-34, 44-21-44).

«УЧ МУШКЕТЕР» — Чайка (11, 14.15, 21.00).

«КАТТА АЙИҚ ФАРЗАНДЛАРИ», «ОЛТИН УҚ» — Тошкент Советининг 30 йиллиги (10, 13, 16, 19, 22.00; телефон 78-47-25).

«СЕВИГ» «АНАТОМИЯСИ», «ҚУМ ҚАРЬЕРИ ГЕНЕРАЛЛАРИ» — Москва (11, 14, 17, 20.00; телефон 33-05-01).

«ТҮЙ АЙЛАНАДИ» — К. Ерматов номли (тоқ соатларда).

«МЕРСЕДЕС»ДАГИ КИШИНING ҲУҶЖАТЛАРИ — Тинчлик (13, 16, 18.30, 21.00).

«МАХФИЙ ТАЖРИБА» — Чайка (17.30, 19.15).

«ЙУЛ ҲАҚИ» — Восток (жуфт соатларда, сўнгги сеанс 21.30 да).

«УДДАБУРОН» — Дружба (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 67-86-87).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ — 24/ХII дан бошлаб Катта Янги йил томошалари (12, 15, 19.30).

ДИҚҚАТ!

«Ўзбекфильм» киностудиясининг киноаэтарлар экспедицияси театр-студияси

БОЛАЛАР УЧУН

«ЭРТАК-ФИЛЬМЛАР. НИНГ ҚАҲРАМОНЛАРИ ҚОРВОБО ҲУЗУРИДА МЕҲМОНДА»

ЯНГИ ЙИЛ ТОМОШАЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ.

Арча ёнда машҳур болалар эртақларининг қаҳрамонлари билан учрашувлар, турли кўнгилочар ўйинлар, кўккурслар, «Мултифильм» мамлакатига саёҳат-томошалар программасидан ўрин олган.

Томошалар манфаатдор ташкилотларнинг биналарида ўтказилади.

Заявқалар қабул қилиш ва справқалар учун телефон: 77-69-52 — соат 9 дан 18.00 гача.

Адрес: Тошкент шаҳри, 65-алоқа бўлими, Чилонзор кўчаси, 2-уй.

ШАҲАРЛАРАРО ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ АБОНЕНТЛАР ДИҚҚАТГА!

Харьков шаҳрига телефон қилиш тартиби

ЎЗГАРДИ
0570XXXXXX урнига
0572XXXXXX номерини те-
риш зарур.

Республикалараро телефон станцияси.

«Главташкентстрой»га қарашли 159-қурилиш трести кишиқ механизациялаш уюсти-
касининг йўқолган
22-ШТАМПИ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Собир Раҳимов район озиқ-овқат савдоси идораси коллектив 25-магазин мудариси
Собир Ҳамидович
ТУЛТАНОВНИНГ
рафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб,
мерхумининг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриятининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри.



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» — орган Ташкентского Компартия Ўзбекистана и городского Совета народных депутатов

